



Видеомаърузани жойлаштирилиш учун шахсий компьютердаги маърузага оид материал куйидаги келтирилган расм орқали танланиб амалга оширилади. (23- расм)




23 – расм. Ўқув материални жойлаштириш жараёни

Мазкур видеомаърузани яратиш мобайнида талаба ёки курс тингловчисига ўқитувчи томонидан видео ахборотни ташқи кўринишига аҳамият берилмоғи мақсадга мувофиқдир. Ушбу созлаш параметрларидан бири “**Внешний вид**” бўлиб, яъни “**Ташқи кўриниши**” да талаба айнан шу видеомаърузадаги ахборотдан унумли фойдаланиш қулайлигини тақдим қилади. Ташқи кўриниши 5 хил пунктни ўзи ичига олади Булар:


- **Автоматически (Автоматик)** бунда тизимдаги **Файл (Файл)** плагини орқали мавжуд ахборот автоматик равишда талабага тақдим қилинади;



- **Внедрить (Жойлаштириш)** яъни бу параметрда эса курс ўқитувчиси томонидан таълим ахбороти курс элементида жойлаштирилиб курс иштирокчиси томонидан очилади;




• **Принудительное скачивание (Мажбуран юклаб олиш)** бунда талаба томонидан ўқув материал шахсий компьютерга юклаб олиниб, исталган вақтда ўзлаштириш имкониятини берилиши тушунилади;



• **Открыть (Очиш)** бу параметрининг фаоллаштиришдаги имконияти видеомарузага алоҳида ҳавола тақдим қилиниб, талабага веб браузер орқали билим олиш имкониятини яратади;



• **Во всплывающем окне (Кўшимча ойнада очиш)** олдинги параметрга ўхшаш бунда ҳам алоҳида ҳавола тақдим қилиниб, қуйида келтирилган расмдагидек видеоманбузга ўзлаштирилади;



Кўшимча функциялар тўғрисида гап юритилганда яна бир нечта афзалликларга эга бўлиб:

• **Выводить размер Видеоманбузга ўлчами.** Бунда ўқув курс яратувчи шахс томонидан юкланган файл қандай ҳажм ва кенгайтмага эга эканлиги таъминланади.

• **Выводить тип Видеоманбузга тури.** Ўқитувчи томонидан видеоманбузанинг тури яъни қандай форматда эканлиги кўрсатилади.


• **Показать дату загрузки/изменения.** Видеоманбузга жойлаштирилган/ўзгартирилган санасини кўрсатиши. Курс ўқитувчиси томонидан видеоманбузанинг ўзгартиришлар ҳамда платформага жойлаштирилган санаси кўрсатилади.

• **Выводить описание ресурса Манба тавсифини кўрсатиши.** Курс тютори томонидан таҳрирланиб, видеоманбузга тайёрланиш жараёнидаги фойдаланилган манба кўрсатилади.

Зарур созлаш ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг **Сохранить и вернуться к курсу** (Сақлаш ва курсга қайтиш) тугмасини босиш мумкин.


Электрон ўқув курснинг навбатдаги вазифа бу тақдимот ҳисобланади ва **.pdf** ёки **.ppt** форматларида тақдим қилиниши мумкин. Айнан кўриб турган **.pdf** форматда ўқув материал тақдим этилган бўлиб, тютор томонидан созлаш ишлари ҳамда платформага жойлаштириш таҳрирлаш ишларини кўриб чиқамиз. (24 – расм)

.pdf форматдаги ўқув материални Moodle тизимига киритиш учун видеоманбузга жойлаштирилганидек, мазкур ахборот материали ҳам киритилади. Биринчи навбатда курс элементларидан **Файл (Файл)** ресурси танланади ҳамда видеоманбузга жойланганидек ўхшаш жараён амалга оширилади



24 – расм. Файл (Файл) элементида ахборот материал

Танланган ўқув курс элементи орқали курс ўқитувчиси томонидан маълумот базасидаги мавжуд ўқув материали .pdf форматда платформага юкланади.




Юқоридаги расмда видеаъруза материали жойлаштирилганидек, тақдимотга биринчи навбатда умумий номи бериледи ҳамда ўқув материалдан кўзланган мақсад ёки ахборот материалга бажарилиш кўрсатмаси ёзилади. Сўнги жараёни “Сохранить и вернуться к курсу” (Сақлаш ва курсга кайтиш) тугмаси босилади.

«Задание» (Топширик) ушбу модули орқали курс тингловчисига вазифаларни бериш, ишларни йиғиб олиш ҳамда баҳолаш ва фикр-


мулоҳазаларини билдириш имкониятини беради. Талабалар ҳар қандай рақамли контентни (файлларни) тақдим этишлари мумкин бўлади, масалан, **MS Word** матн таҳририда тайёрланган ҳужжатлар, электрон жадваллар (**MS Excel**), тасвирлар ёки аудио ва видео файллар. Шунингдек, муқобил ёки кўшимча равишда топшириқ талабалардан матнни тўғридан-тўғри матн таҳририда теришни талаб этиши мумкин. Топшириқ талабаларга сайтдан ташқари **“реал вақт режимида”** бажаришлари керак бўлган топшириқларини эслатиш учун ҳам қўлланилиши мумкин, масалан санъат асарлари, бу ерда рақамли контент талаб этилмайди. Талабалар ишни индивидуал равишда ёки гуруҳ аъзоси сифатида тақдим этишлари мумкин. Мазкур топшириқ орқали Moodle виртуал ахборот таълим тизимига вазифа ва топшириқларни жойлаштириш масалалари ҳақида тўхталамиз.

Бунда биринчи навбатда **Элемент ёки ресурсларни қўшиш** тугмаси орқали иш жараёни бошланади. (25 – расм)



25 – расм. Moodle тизимида Топшириқ элементи


Тизимдаги **Топшириқ** элементи танланиб, қуйида келтирилган ойна очилади ва зарур яратиш ишлари амалга оширилади. (26 – расм)



26 – расм. Топшириқ элементи яратиш жараёни

Юқоридаги бошқа Moodleда мавжуд курс элементлари катори, ушбу ўқув курснинг Топшириқ модули яратиш ишлари деярли бир-биридан фарк қилмайдиган жараён ҳисобланади. Топшириқнинг умумий номи, унинг таснифи ва маълумот базасида керакли ҳужжат **.pdf.doc** ҳаттоки **.ppt**, формати кўринишидаги ўқув ахборот материалларини юклаш имконияти мавжуддир.

Яратиш давомида курс элементида фойдаланишини бир қанча чекловлар ёрдамида сошлаш мумкин. (27 – расм)




27 – расм. Топшириқ элементидаги чекловлар

Юқорида кўриб турган расмда айнан Топшириқ элементидаги “Доступно” (Рухсат) вазифасида қўлланилиб, бунда курс яратувчиси томонида баъзи чекловлар амалга оширилиб:

Тақдим этишларни қуйидаги сандан рухсат бериш, Рухсат этиш, Топширишнинг охириги муддати, Рухсат этиш, Сўнгги муҳлат санаси каби параметрларни ўз ичига олади.

Бу орқали талаба ўз вақтида ўқув курсдаги мавжуд барча вазифа топшириқларни бажарилишини тўтор томонидан ўқув курс давомида назоратга олиш имкониятини тақдим этади.

«Глоссарий» (Таянч иборалар) бу орқали ўқув курсдаги мавжуд атамалар, иборалар, қисқартмаларнинг изоҳли луғати киритилиб, курс тингловчиларга курсни яхши ўзлаштирилишига хизмат қилади. Шу билан бирга, **Элемент ёки ресурсларни қўшиш** тугмаси босилиб, таянч иборалар Moodle платформасига киритилади. (28 – расм)




28 – расм. Глоссарий (Таянч иборалар) элементи

Мазкур ойнада сиз Таянч иборалар курс элементининг умумий кўриниши такдим қилинган бўлиб, кейинги босқичда бу элементни яратиш ва соzлаш имкониятлари тўғрисида баён қилинади (29 – расм)



29 – расм. Таянч ибора элементи


MOODLE платформасига Таянч иборалар элементи кўйилгандан сўнг, куйида келтирилган мазкур жараён бажарилади. Иш жараёнида Таянч ибора элементининг соzлаш иши кўрилади. (30 – расм)



30 – расм. Глоссарий (Таянч иборалар) элементи соzлаш


Шунингдек, иш жараёни ўқув курс элементининг асосий соzлаш иши бўлиб, бунда курс элементига умумий ном берилади ва унинг таърифи кўрсатилган ҳолда талабага намоён бўлади.

Навбатдаги жараён эса, “Записи” (Ёзувлар) соzлаш иши бўлиб бунда бир қанча параметрларни қамраб олади: (31 – расм)




31 – расм. Таянч иборадаги “Записи” (Ёзувлар) созлаш жараёни

- **Статьи одобрены по умолчанию** - ибораларнинг тизимда мавжуд стандарт бўйича маъқулланганлиги;
 - **Всегда разрешать редактирование** – доимий тахрирлаш имкони мавжудлиги;
 - **Разрешить более одного определения на одно слово** – биргина таянч ибора учун ягона ҳисобланган изоҳ кифоя қилиниши;
 - **Разрешить комментарии к записям** – мавжуд иборалардаги қайдлар учун шарҳлар берилишини таъминлаш;
 - **Автоматическое связывание записей глоссария** – қайд қилинган лугавий изоҳларни автоматик равишда ўқув курсда мавжуд таянч иборалар билан боғлаш;
- Таянч иборалар элементини “**Оценивание**” (Баҳолаш) ни созлаш жараёнида ўзига хос вазифалар мавжуд ва тегишли созлашлар якунида барча жараён тизимга сақланган ҳолда юкланади;
- **Роли, которым дано право выставлять оценки** - мазкур жараёнда ҳуқуқи мавжуд ўқув платформадаги масъул шахслар томонидан баҳоланиши;
 - **Метод расчета итога** – якуний ҳисоблашнинг методи;
 - **Шкала (Баҳолаш мезони)** - қандай мезонлар асосида баҳолашни созлаш; **с... по... (Муддат)** – мазкур элементни баҳолашни муддатлар билан чегаралаш. (32 – расм)




32- расм. Таянч ибораларни Оценивание (Баҳолаш) ойнаси

Таянч ибораларни яратиш иши якунлангандан сўнг навбатдаги жараён ўқув курсда мавжуд мураккаб иборалар билан уларнинг луғавий ма’нолари мазкур элементга киритиш ишига тўхталамиз. Бунга қуйида кўрсатилган расм орқали амалий жараёни амалга оширилади. (33 – расм)



33- расм. Таянч ибораларни платформага киритиш интерфейси

Мазкур “Добавит новую запись” (Янги ибора қўшиш) тугмаси орқали ўқув курсдаги мавжуд мураккаб иборалар ва изоҳлари билан қўшиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур курс элементини яратиш мобайнида ушбу ибораларни алифбо кетма – кетлик асосида киритиш имкониятини ҳам тақдим қилади. Шу билан бирга 2 турдаги функцияни амалга оширади: “Общее” Умумий маълумот ва “Автосвязывание” Автоматик алоқа (34 – расм)




34- расм. Таянч ибораларни қўшиш ойнаси

Изоҳ сифатида шуни айтиш мумкинки, мазкур жараёнда махсус сўзлар ҳам киритилиши таъминласа, ўқув курс давомида мураккаб ибораларнинг таърифини билишда калит сўз ўрнида фойдаланиш мумкин. Бу билан муайян иборани луғавий таърифини тез суръатларда билиш имконияти курс тингловчиларига эслатма сифатида хизмат қилади.

“**Автосвязывание**” *Автоматик алоқа* вазифаси тўғрисида сўз юритилса:

- **Это запись должна автоматически связываться** – ибора автомат равишида боғланиши;
- **Это слово чувствительно к регистру** - мавжуд сўз учун регистр аҳамияти;
- **Определять соответствие только полным словам** – биргина иборани таърифи мослигини аниқлаш. (35 – расм)



35–расм. Таянч иборани «Автосвязывание» Автоматик алоқа қилиш ойнаси

Курсда мавжуд **Тест** элементи - таълим натижаларини холисона назорат қилишнинг дидактик ва технологик воситаларидан ҳисобланади. Тест синовлари ёрдамида барча ўқувчиларнинг билимини бир вақтда текшириш, уларни машғулотларга пухта тайёргарлик кўришга, мустақил ўқиш кўникмаларини ривожлантиришга ўргатиш, интизомини мустаҳкамлаш каби